



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққиётга таъсири	5
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
Ҳасан Абдусаитович Рахимов Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
Bekniyoz Baxtiyor o'g'li Suvonov Ho'jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o'ziga xos xususiyatlari	18
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Фароғат Болтаевна Шакирова Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
Азамат Абдукаримович Касимов Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
Тухта Даминович Маматкулов Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
Шаҳноза Сууюновна Рузиева Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва ҳудудий таҳлил	52
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Шодиёр Абдихалилович Султонов Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva O'zbekiston temir yo'llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo'shimcha omillarni hisobga olish	65
Асқар Ахрорович Сиддиқов Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Фароғат Болтаевна Шакирова – Тошкент давлат транспорт университети доценти

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТГА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АЙРИМ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мазкур мақолада инновациялар тўғрисида назарий қарашлар таҳлили, инновацион иқтисодиёт тўғрисида атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларини инновацион ривожланишга таъсири ўрганилган ҳамда хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инновация, инвестиция, асосий капитал, экспорт, импорт, солиқлар, инновацион ривожланиш, ялпи ички маҳсулот, иқтисодий ўсиш.

Кириш. XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган тенденциялардан бири давлатлараро рақобатнинг ва ресурслар учун курашнинг кучайиб бораётганлигидир. Мазкур ҳолатлар миллий хўжаликлар олдига ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти негизида ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунда индустриал ривожланган давлатларда (АҚШ, Япония, Германия, Англия, Франция) барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш янги техника, технология, илмий-техникавий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш яъни, фан-техника ютуқларини жорий этиш орқали таъминланмоқда. Янги ихтиролар, кашфиётлар, ғоялар ва умуман инновацион ишланмалар, маҳсулотлар замонавий рақобатбардош ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб юзага чиқмоқда. Индустриал ривожланган давлатларда иқтисодий ўсиш асосан интенсив усуллар яъни қўшимча харажатлар ҳисобига эмас балки мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиш-интенсив усуллар ёрдамида таъминланади.

Мазкур давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини уларнинг ҳудудидаги мавжуд табиий бойликлар, ресурслар салмоғи эмас, балки фан ва техниканинг ривожланганлик даражаси ҳамда унинг иқтисодий фаолият билан уйғунлаштирилгани асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, самарали бошқарув тизими, оқилона макроиқтисодий сиёсат юритиш ҳам барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Инновацион ривожланиш – миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини инсон интеллектуал капитали ва юқори технологияларига асосланиб таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнидир [1].

Инновацион иқтисодиёт 1920 йилларнинг охири 1930 йилларнинг бошларида иқтисодий фан сифатида шаклланди, иқтисодчи олим Н.Кондратьев техника соҳасида юз бераётган ўзгаришлар иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидлаган [2].

Иқтисодий фанда “инновация”нинг моҳиятини илк бор австриялик олим Й.Шумпетер қуйидагича таърифлаган: “Инновация – мавжуд жараёнга янги қараш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт, ишланма ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни муайян жараёнга қўллаш”. Унинг фикрича, иқтисодий фаолиятга айнан инновацион ёндашув ҳар бир давр иқтисодий тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Унинг назариясида тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омили сифатида қаралади [3].

Америкалик иқтисодчи олим С.Кузнец 1980 йилларда “даврга оид инновациялар” тушунчасини фанга киритди, унинг таълимотига кўра, иқтисодиёт ривожланишининг муайян даврида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг даражасини ошириш асосини даврга оид инновацияларни жорий этиш ҳисобланади, унинг манбаи эса илм-фан [4]. С.Кузнец муайян даврга оид инновацияларнинг жорий этилиши ижобий самара

бериши билан бирга унинг салбий таъсири бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтади.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар [5] ўз тадқиқотларида ривожланаётган мамлакатлар инновациялар ҳисобидан жадал иқтисодий ўсишининг ички омилларини кўрсатиб бердилар. Уларнинг фикрича, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш омилларидан бири таълим ҳисобланади.

А. Арора ва А. Гамбарделалар олий маълумотли мутахассислар мавжудлигини инновацион ривожланишнинг асосий омили сифатида алоҳида қайд этиб, ушбу назария тарафдорлари ҳисобланишади. Уларнинг фикрича, иқтисодиётнинг юқори технологияли сектори ривожланаётган барча мамлакатларда минтақани ривожлантириш даражасига нисбатан олий маълумотли мутахассислар кўпроқ [6].

К.Р. Макконнелл, С.Л. Брюларнинг фикрича, йирик компаниялар ташкил этиш иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўли, омили сифатида эътироф этилиб, бу ривожланиш янги технологияларга таянади ва қуйидаги тамойиллар асосида амал қилади: а) йирик капиталдан фойдаланиш; б) йирик бозорлардан фойдаланиш; в) комплекс, марказлашган ва қатъий интеграциялашган бозор ташкил этиш; г) бой ва ишончли хом ашё манбаларини талаб қилиш. Муаллифларнинг фикрича, фақат йирик компаниялар етарлича ресурс базасига эга бўлган ҳолда техник инқилобни таъминлаши, кичик бизнеснинг эса бунга қурби етмаслиги мумкин [7].

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада илмий-назарий асос сифатида инновацияга оид иқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг иқтисодиётни инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш индикаторларга бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Мавзунини ўрганиш давомида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантикий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижа. Инновацион иқтисодиётнинг ривожланиш тарихидан маълумки, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш, уни инновацион ривожланиш моделига ўтказиш учун қуйидаги инновацион тизим асослари яратилган бўлиши талаб этилади (1-чизма).



1-чизма. Инновацион тизим асослари.

Инновацион тизимнинг муҳим унсурларидан бири унинг ташкилий асослари бўлиб,

Ўзбекистонда инсон капиталининг сифати, даражаси ғоят юксак, жисмоний тайёргарлиги тезкор малакали ихтисослашув хусусиятига эга. 1 - чизмадан кўринадики мамлакатда инновацион тизимни яратишда унинг моддий-техник асоси катта аҳамиятга эга бўлади ва улар қуйидагилардан ташкил топади:

1. Технополис – бу эркин иқтисодий зоналарнинг бир кўриниши бўлиб, ўзининг худудий марказлари орқали юқори технологияли маҳсулотни яратиш ва ўзлаштириш орқали инновацион жараёнларни фаоллаштирувчи мажмуадир.
2. Технологик парк– бу муайян худудда инновацияларни яратиш, тижоратлаштириш мақсадида илмий тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юрти ва корхоналарнинг бирлашган мажмуасидир. Технопарклар – бу энг замонавий, рақобатбардош маҳсулот турини ишлаб чиқишга ихтисослашган махсус худуд, марказ бўлиб, у ерда тор ихтисослашувга асосланган, юқори илмий-техник, технологияга эга ягона бизнес структурага кирувчи субъектлар фаолият кўрсатади.
3. Бизнес инкубаторлар – бу ёш, инновацион тижорат фирмаларини етиштирувчи, уларга дастлабки даврларда бошқарув, молия ва бошқа хизматлар соҳасида ёрдам берувчи кўп функцияли бизнес мажмуа ҳисобланади.
4. Венчур бизнеси – бу инновацион кичик корхона бўлиб, тажриба-конструкторлик ишланмалар, юқори даражада фойдали бизнес лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланади.
5. Иқтисодий кластер тизими – бу бир неча худудда ўзаро боғланган компаниялар бўлиб, уларнинг таркибида илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, замонавий жиҳозларни яратувчи, жўнатувчи, махсус хизмат кўрсатувчи ягона тизимга кирувчи, лекин ҳар бири алоҳида тижорат корхоналаридир.

Давлатнинг инвестиция сиёсати – иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, техник-технологик янгилаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Маълумки, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий унсурларидан бири капитал ҳисобланади ва унинг истеъмол ва жамғаришга сарфланадиган қисмлари ўртасидаги нисбат муайян тарзда оқилона бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари инвестициялар манбаи ва ҳажми улардан самарали фойдаланиш иқтисодиётда асосий фондларни янгилаб бориш, тармоқ ва соҳаларни модернизация қилиш, ўсиш суръатларини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Бу жараёнда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми муҳим рол ўйнайди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётининг 2010-2020 йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари¹

Кўрсаткичлар		Йиллар					
		2010	2015	2016	2018	2019	2020
ЯИМ	млрд.	78 936,6	221 350,9	255 421,9	424 728,7	529 391,4	602 193,0
	АҚШ млрд. долл.да	48,1	78,8	79,0	50,9	55,7	57,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар млрд.сўм		16463,7	44810,4	51232,0	124231,3	195927,3	210195,1
ЯИМ.да асосий капиталнинг улуши (%)		20,8	20,2	20,1	29,2	37,0	34,9
Ташқи савдо айланмаси, жами (млн. АҚШ долл.да)		22 199,2	24 924,2	24 232,2	33 430,0	41 751,0	36 256,1
ЯИМ.да ташқи савдо айланмасининг улуши (% да)		46,1	31,6	30,7	65,7	74,9	63,1
шу жумладан: Экспорт		13 023,4	12 507,6	12 094,6	13 990,7	17 458,7	15 102,3

¹ Stat.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2010	2015	2016	2018	2019	2020
Импорт	9 175,8	12 416,6	12 137,6	19 439,3	24 292,3	21 153,8
Сальдо (+,-) (млн.АҚШ доллари)	+3847.6	+91	-43	-5448.6	-6833.6	-6051.5
ЯИМда экспортнинг улуши (%да)	27,1	15,9	15,3	27,5	31,3	26,3

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимиз иқтисодиётидаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ижобий тенденцияларга эга. Миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга бевосита инвестициялар бўлиб, ЯИМда асосий капиталнинг улуши 2010 йилда 20,8 фоиздан 2020 йилда 34,9 фоизга ошган. ЯИМда мамлакат ташқи савдо айланмасининг улуши эса мос даврларда 20,8 фоиздан 34,9 фоизга ортган, экспортнинг улуши 2010 йилда 27,1 фоиздан 2020 йилда эса 26,3 фоиз пасайиш тенденциясига эга. Пандемиянинг иқтисодиётга таъсири ҳам сезиларли даражада бўлди. Лекин, мазкур келтирилган ижобий натижалар билан бир қаторда айрим изоҳталаб зиддиятли ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, ЯИМнинг ўртача ўсиш суръатининг юқорилиги, асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ҳажмининг ошиб бориши, айниқса ташқи савдо таркибидаги экспорт соҳасидаги айрим муаммолар мавжудлиги ва уларни зудлик билан ҳал қилиш зарурлиги билан изоҳланади.

Солиқлар ва солиққа тортишни такомиллаштириш– инновацион фаолиятни шакллантириш, тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш негизида барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг таъсирчан воситаси ҳисобланади.

Бизнингча, мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсати нафақат инновацион ривожланишга балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам тўғридан-тўғри таъсир этадиган асосий иқтисодий дастаклардан бири ҳисобланади. Миллий иқтисодиётда амал қилиб турган солиқ ставкалари, солиқ юки миллий товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва чет эллик инвесторларнинг фаолиятига тез таъсир қиладиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Юртимизда олиб борилаётган оқилона макроиқтисодий сиёсат ва унинг энг таъсирчан, муҳим йўналиши бўлган солиққа тортиш масалаларида ҳам устуворлик товар ва хизмат ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлик субъектлари манфаатига берилмоқда. Охириги йиллардаги солиқ ставкалари бўйича ижобий ўзгаришларни таҳлил қиладиган бўлсак қуйидагиларга эътибор берамиз (2 -жадвал).

2 -жадвал

Ўзбекистонда 1992 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда солиқ тўлови ставкаларининг ўзгариши¹⁹

Солиқ турлари	1992-2009 йиллардаги энг юқори солиқ ставкалари	2010 йилда ўрнатилган ставкалар	2021 йилда ўрнатилган ставкалар	Пасайиш
Кўшимча қиймат солиғи	30 фоиз	20 фоиз	15 фоиз	2 баробар
Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи	45 фоиз	9 фоиз	15 фоиз	3 баробар
Юридик шахслар учун мулк солиғи	5 фоиз	3,5 фоиз	2 фоиз	2,5 баробар
Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2 фоиз	7,0 фоиз	4 фоиз	3,8 баробар
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	60 фоизгача	22 фоизгача	12 фоиз	5 баробар
Ягона ижтимоий тўлов	40 фоиз	25 фоиз	12 фоиз	3,3 баробар

Жадвал кўрсатадики, таҳлил учун олинган даврларда истеъмол талаби ва товар (иш,

хизмат)ларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида кўшимча қиймат солиғи ставкаси 30 фоиздан 15 фоизга туширилди ва 2 баробарга пасайтирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ягона солиқ тўлови ставкаси ялпи тушумнинг 2005 йилдаги 15,2 фоиздан 4 фоизга 3,8 баробар камайтирилди. Юридик шахслар даромад солиғи ставкасининг пасайтирилиши корхона ва ташкилотларнинг оборот маблағини тўлдиришга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ижобий хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Тадбиркорларга, фермерларга ташқи савдо йўналишида реал эркинликлар берилиши, давлат буюртмасидан ортикча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишга тегишли шароит яратирилиши ўйлашмизки миллий иқтисодиётни ривожлантиришга катта туртки бўлади.

Инвестицияларнинг асосий қисмини иқтисодиётнинг реал сектори соҳаларига йўналтириш лозим. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектларига кредит бериш тизимини соддалаштириш, кредит ставкаларини пасайтириш, банкка аҳолининг ишончини янада кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириши лозим бўлади.

Юқорида қайд этилган йўналишлардаги муаммо ва вазифаларнинг ҳал этилиши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг моддий негизи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шакирова, Ф. Б. (2022). Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назариялари, шаклланиши ва миллий иқтисодиёт ўсишини таъминлашдаги имкониятлари. *Journal of new century innovations*, 16(3), 86-96.
2. Кондратьев Н. Д. Большие циклы конъюнктуры // Вопросы конъюнктуры. 1925. № 1.
3. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983.С. 278-285.
4. Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция, стр 105.// Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. Под ред. Ю.В. Яковца. Спб.: Гуманистика, 2003.
5. *Innovation Policy and the Economy*, Volume 5, National Bureau of Economic Research, Adam B. Jaffe, Josh Lerner, and Scott Stern: The MIT Press, Cambridge, Massachusetts – 2005.
6. Arora A. and Gambardella A.: “ Bridging the Gap”. In A. Aurora and A. Gambardella, eds., *From Underdogs to Tigers: The Rise and Growth of the Software Industry in Some Emerging Economies*. Oxford, UK: Oxford University Press. - 2005.
7. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2т.: Пер. с англ. – М: 1997. Т.2. – С. 89.

<p style="text-align: center;">Ф.Шакирова</p> <p style="text-align: center;">Некоторые проблемы в процессе перехода к инновационной экономике и важность их устранения</p> <p>Аннотация: В данной статье подробно разъясняется анализ теоретических взглядов на инновации, инновационную экономику. Также было изучено влияние макроэкономических показателей страны на инновационное развитие, разработаны выводы и предложения.</p> <p>Ключевые слова: инновации, инвестиции, основной капитал, экспорт, импорт, налоги, инновационное развитие, валовой внутренний продукт, экономический рост.</p>	<p style="text-align: center;">F. Shakirova</p> <p style="text-align: center;">Some problems in the process of transition to an innovative economy and the importance of their elimination</p> <p>Abstract: This article explains in detail the analysis of theoretical views on innovation, innovation economy. The influence of the country's macroeconomic indicators on innovative development was also studied, conclusions and proposals were developed.</p> <p>Keywords: innovations, investments, fixed assets, exports, imports, taxes, innovative development, gross domestic product, economic growth.</p>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023